

БОРЛИҚНИ АНГЛАШДА ТИЛ ВА ТАФАККУРНИНГ ЎРНИ

Авезов Умиджон Шарифович

Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардия ходими

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада борлиқни гносеологик нуқтаи-назардан билиш жараёнида тил ва мулоқот ўзаро ажралмас ва чамбарчас боғлиқ ҳодисалар сифатида намоён бўлиши тўғрисидаги қарашлар таҳлил қилинган. Шунингдек, инсоният коммуникацияси воситаси ҳисобланган тафаккур муаммоларининг жамият маданий тараққиёти билан уйғун ҳолатда илмий ва амалий аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: *Тил, гносеология, борлиқ, коммуникация, тил ва диалектика, тафаккур, феноменология, категория, нутқ, гипотетик-дедуктив, мантиқий позитивизм, эстетик тафаккур.*

РОЛЬ ЯЗЫКА И МЫШЛЕНИЯ В ПОНИМАНИИ СУЩЕСТВОВАНИЯ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются взгляды на то, что язык и мышление проявляются как неразделимые и тесно связанные явления в процессе познания мира с эпистемологической точки зрения. Также подчеркивается научное и практическое значение языковых проблем как средства человеческого общения в контексте культурного развития общества.

Ключевые слова: *Язык, гносеология, бытия, общение, язык и диалектика, мышление, феноменология, категория, речь, гипотетико-дедуктивный, логический позитивизм, эстетическое мышление.*

THE ROLE OF LANGUAGE AND THINKING IN THE UNDERSTANDING OF EXISTENCE

ABSTRACT

This article analyzes the views that language and thinking are manifested as inseparable and closely related phenomena in the process of knowing the world from an epistemological point of view. It also highlights the scientific and practical significance of language problems as a means of human communication in the context of the cultural development of society.

Key words: *Language, epistemology, existence, communication, language and dialectics, thinking, phenomenology, category, speech, hypothetical-deductive, logical positivism, aesthetic thinking.*

КИРИШ

Тафаккур, белги тил фалсафасининг муҳим фундаментал категориялари ҳисобланади. Тафаккурнинг тил билан боғлиқлиги тўғрисида сўз кетганда улар бир-биридан ажралган ҳолда мавжуд бўла олмаслигини эътироф этиш кифоя. Лекин фанда бунга қарама-қарши фикрлар ҳам йўқ эмас. Бир томондан тил ва тафаккур чамбарчас, узвий боғлиқ деган фикр бор. Бошқа томондан эса бир қатор фактлар жумладан, қар – соқовлар тафаккур фаолиятига оид мисоллар борки, улар оғзаки нутқсиз, сўзсиз тафаккур мавжудлигидан ҳам дарак беради. Шунинг учун тилнинг тузилишини гносеология нуқтаи назаридан қараб чиқамиз. Ушбу аспектда тил мазмунига эга бўлган белгилар тизими сифатида таърифланади. Белгилар ва уларнинг мазмуни тилда ўз қонун-қоидалари ва алоқа шаклларига эга бўлган нисбатан ёпиқ ва мустақил системани ташкил қилади, деб ҳисобланади. Муҳими, тил оддий белгилар системаси эмас, ўз-ўзича белгилар ҳам эмас, балки ўз мазмунига эга бўлган белгилар тизимидир.

Гносеологик нуқтаи-назардан билиш жараёнида тил ва тафаккур ўзаро ажралмас ва чамбарчас боғлиқ ҳодисалар сифатида намоён бўлади. Тил эса тафаккурнинг ифода шакли ва яшаш тарзи сифатида инсон онгининг шаклланишида ҳам муҳим ўрин тутди. Тил қобиғидан ташқарида онгнинг қарор топиши мумкин эмас. Тил белгилари, ўз табиатига кўра, шартли бўлсада, у реал воқеликни билиш жараёни шартларидан ҳисобланади. Шу жиҳатдан тил муомала воситаси бўлишдан ташқари, билиш воситаси вазифасини ҳам бажаради. Шу билан бирга у тўпланган билимларни, тажрибаларни қайд қилиш, сақлаш ва авлоддан авлодга ўтказиш воситаси ҳам саналади.

МАЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ.

Дарҳақиқат, “тилнинг мавжудлиги тафаккурнинг умумлаштирувчи фаолиятининг энг зарурий шартидир, тилсиз бу ҳол мавжуд бўлмас эди. Чунки сўз умумлаштирувчи хусусиятга эга”. [1, Б. 400] Тил масаласини гносеологик жиҳатдан таҳлил этган аксарият олимлар унинг воқелик билан ўзаро бир хилдаги мувофиқлик хусусиятига алоҳида эътибор қаратганлар. Жумладан, Б.Рассел “Тил қисман атомар фактларга мувофиқ келадиган атомар оғзаки иборалардан ва қисман ушбу оғзаки иборалар ўртасидаги мантикий ўзаро боғланишлардан ташкил топади” [2, С. 86], - деб ёзади. Унинг таъкидлашича, бунда мантикий алоқалар формал мантиқ томонидан баён қилинади. Масалан,

«мушук» ва «бўйра» сўзларини кўриб чиқайлик. Бу сўзлар атомар фактларга, яъни муайян мушукка ва муайян бўйрага тегишли атомар оғзаки иборалар сифатида қўлланилади. «Ушбу мушук шу бўйрада ётибди» деган гап мушукнинг бўйрада ётишидан иборат нарсаларнинг муайян мураккаб ҳолати билан ўзаро бир хилда мувофиқ келади. Чунки, бу гап таркибига кирадиган оддий (атомар) лингвистик иборалар нарсаларнинг оддий ҳолатларини кўриб чиқиладиган гапнинг синтактик шакли мушук билан бўйра ўртасидаги муносабатни тўғри акс эттиради. Шундай қилиб, воқелик оддий, алоҳида фактлардан иборат ва шу тариқа гносеологик идрок этилган тил ана шу фактларга мувофиқ келадиган оддий, алоҳида иборалардан ташкил топади, деган фикр мавжуд. Бунда ушбу лингвистик иборалар ўртасидаги тўғри мантикий алоқалар мазкур иборалар кўрсатадиган фактлар ўртасидаги мавжуд муносабатларга мувофиқ келади.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ.

Борлиқни гносеологик жиҳатдан идрок этишда билимнинг эмпиристик, мантикий позитивизм гносеологик рационализм каби соҳалари алоҳида аҳимиятга эга. Бунда оламни билишдаги теология ва классик метафизика йўналишлари гносеологик жиҳатдан оддийлиги сабабли инкор қилинади. Эмпиристик билишга кўра қадриятга оид мулоҳазалар этик ва эстетик фикрларни гносеологик жиҳатдан оддийлиги инобатга олинади. Борлиқнинг объекти – атрофдаги чексиз олам. Олам – чексиз, тафаккур эса чекли. Чунки, у одамларнинг билиш қобилияти, имконияти, шароити ва бошқа қатор омилларга боғлиқ. Маълумки, тафаккур чексиз оламнинг чекли инъикосидир. Лекин тафаккур ҳаракатсиз эмас. У инсонларнинг билиш қуроли сифатида доим ўзгариб, бойиб, такомиллашиб боради.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР.

Ташқи муносабат ҳақида гапирганда биз тушунча, унинг бошқа тушунчалар билан алоқаларидан қатъи назар, шу ҳолида ҳам тушунча эканлигини назарда тутамиз. Масалан, мушук, унинг бўйра билан қандай алоқаси мавжудлигидан қатъи назар, барибир мушукдир. Шундай қилиб, биз фикрнинг билимни ифодалашга қодир бўлиши учун бажарилиши лозим бўлган иккита шартга эгамиз.

1. Фикр яхши шакллантирилган, яъни грамматик жиҳатдан тўғри бўлиши лозим.

2. Фикр тажриба орқали тасдикланадиган бўлиши керак, яъни биз аслида бундай фикрни кузатувлар ва гипотетик-дедуктив услуб ердамида исботлаб бера оладиган бўлишимиз лозим.

Гносеологик идрок қилиниш мезонларига биноан бундай фикрлар билимни ифодаламайди. Албатта, бунда уларнинг ҳиссий жихатдан идрок этилиши мумкинлиги инобатга олинади. Масалан, қадриятлар ҳақидаги фикрлар кўпинча шахс учун ҳам, жамият учун ҳам аҳамиятлидир. Бироқ, ана шу икки мезонга кўра, улар билимдан иборат бўлган фикрлар ҳисобланмайди. Ваҳоланки, Рассел ўзининг позициясини унинг фалсафий ижодининг муайян босқичида ҳисобга олиб, мантиқий позитивизмнинг нуқтаи назарини қисқача шундай ифодалаш мумкин [3, С. 75] дея таъкидлайди.

Бизнингча, фақат икки турдаги гносеологик идрок этилган фикрлар, яъни айнан таҳлилий фикрлар ва яхши шакллантирилган апостериор синтетик фикрлар мавжуд. Бошқача айтганда, биз формал фанларда (математик мантиқда) тажриба ҳамда гипотетик-дедуктив услубга таянадиган фанларда топадиган фикрларгина ягона гносеологик идрок этилган фикрлар ҳисобланади.

Бироқ бундай ҳолатда уларнинг рад қилиниши теологик ва метафизик фикрларни инкор қилишга нисбатан бошқача тусда бўлади. Айтиш мумкинки, этик ва эстетик фикрлар гносеологик жихатдан оддий. Лекин улар теологик ва метафизик фикрлардан фарқли равишда оламни билишга интилмайдилар. Улар «ҳақиқат» ва «ёлғон» атамалари билан асосланиши мумкин бўлмаган дастурлар ва баҳоларни ифодаласа-да, барибир бизнинг ҳаётимизда муҳим роль ўйнайди. Шуниндек, рационализм билан эмпирицизм ўртасидаги биз ақл-идрок ёрдамида, меъёрий ёки билишга оид бўлишидан қатъи назар, ўзимиз-нинг дастлабки тамойилларимизни асослаб беришимиз мумкинлиги ҳақидаги масала хусусидаги баҳсларга қайтаради.

Ноэмпирицистик мактаблар, масалан, феноменология, гарчи ақл-идрок учун дастлабки тамойилларни тушунтириб бериш ва асослашдек фаолият муаммоли бўлса-да, барибир биз ақл-идрокни бундай қобилятдан бутунлай маҳрум қила олмаслигимизни таъкидлайди. Ҳолбуки, агар биз бундай қобилятни бутунлай рад қиладиган бўлсак, унда образли қилиб айтганда, биз оёғимиз остидаги таянчни чиқариб юборадиган вазиятлардан ўзимизни тутишимиз қийин бўлади. Фақат илмий фикрларнинг гносеологик жихатдан идрок этилганлиги тўғрисидаги тезис ва унинг асосида билиш билан эмоцияларнинг ажратилиши рационал муҳокама ёрдамида тўғри деб эътироф этилиши керак. Акс ҳолда, биз осонлик билан бундай тезис ҳақидаги қароримизнинг мантиқий эмаслиги тўғрисидаги хулосага келамиз.

Кўпгина файласуфлар П.К.Гречко, В.Е.Кемерова, К.Х.Момджян, В.Г.Федотова фикрича, тилни ижтимоий феномен сифатида тушуниш унинг ижтимоий-фалсафий мақомининг асосланишига имкон беради. Тил мураккаб

феномен сифатида, инсон табиатига хос бўлиб икки хил ривожланиш кўринишига эга. Биринчидан, эволюцион – тил хусусиятлари куммуляцияси (тўпланиши)нинг чизиқли кетма-кетлигида, унда доминант тилнинг коммуникатив моҳияти билан корреляция (боғлиқлик) ҳисобланади. Иккинчидан, революцион нозизиқли шаклда, тилнинг интенсив ва экстенсив хусусиятларининг ўзгарувчи (сакровчи) экспликацияси, бунда эса доминант тилнинг ахборот моҳияти билан корреляция бўлади. Яъни, тил бир томондан мулоқот ва фикрни ифодалаш воситасидир.

Олимни билишда тилнинг функционал асосларини ўрганиш орқали биз унинг ижтимоий-тарихий хусусиятларини янада чуқурроқ билиб оламиз. Бу ерда гап тилларнинг функционал хусусиятлари ҳақида борар экан, унинг генеологик, типологик (морфо-синтактик) ва ареал таснифи бутун дунё тилларини таснифлаш асосида, қолаверса, тиллар алоқаси билан боғлиқ ҳолда типологик жараёни юзага келтиришига ҳам алоҳида эътибор беришимиз керак бўлади. Чунинчи, тил алоқа-аралашувдаги муҳим восита саналиб, унинг асосий вазифаси коммуникатив функцияни бажаришини таъминлайди. Тилнинг функционал вазифаси дейилганда, ижтимоий ҳамда хусусий ном билан ифодаланиш тушунилади. Шунинг учун ҳам тилнинг ижтимоий функцияси умумтил муносабатларидан келиб чиқиладиган фикрлар, хулосалар мажмуаси билан шаклланган ҳолда қайд этилади.

Бу хусусда В.А. Аврорин тилнинг қуйидаги функцияларини кўрсатиб ўтади:

Биринчидан, умуман алоқа-аралашув билан боғлиқ коммуникатив функция;

Иккинчидан, маънонинг кучайтирилиши ва нутқда таъсирчанликни оширувчи экспрессивлик функцияси;

Учинчидан, шакл ва мазмуний маъно касб этиш функцияси;

Тўртинчидан Ижтимоий билим ва муаммоларни ҳал этиш функцияси.

Тилнинг функционал вазифаси дейилганда, ижтимоий ҳамда хусусий жиҳатлари тушунилади. Шунинг учун ҳам тилнинг ижтимоий функцияси умумтил муносабатларидан келиб чиқиладиган фикрлар, хулосалар мажмуаси билан шаклланган ҳолда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, Ю.Д.Дешериев: “Тилнинг вазифавий функцияси унинг бошқа функцияларидан фарқли равишда инсониятнинг ижтимоий ҳаёт муносабатларига хизмат қилишини тил факторлари орқали акс эттиришидир” [4, С. 37] - дея таъкидлайди. Бу фикрдан маълум бўладики, тилнинг функционал жиҳатлари, экспрессивлик, эстетик, гносеологик хусусиятларга эга бўлиб, тилнинг бойишига асос бўлиши мумкин.

Шунингдек, Ю.Д.Дешериев фикрича, “тилнинг функционал типологияси мантиқан юзага келади. Агарда унинг шаклланиши хусусида фикр юритилса, маълум яруслар асосида вужудга келишини тушуниш мумкин бўлади. Унинг фикрича, юқори яруси коммуникатив вазифада мантикий схема асосида юзага келади. Иккинчи, ўрта ярус бўлак функция-ижтимоий, экспрессив хусусиятга эга бўлади, учинчи кўйи ярус ҳар бир қисмининг, ижтимоий функция бажаришини, холбуки, тиллар ўртасидаги функциявий ифодаланиш билан боғлиқ”. [5, С. 381]

Бизнингча, тилнинг функционал таснифи хусусида ҳам маълум бир масалалар борки, улар тилнинг функционал асосда пайдо бўлиши, тўлақонли, мақсадли тарзда ҳосил қилиниши, тилнинг таснифий бўлинишидир. Бу тарзда функционал ҳосил қилиниш тилларнинг умумий типологик қонуниятларини ўрганишда ва функционал тараққиёт босқичларини ҳис этишда ёрдам беради.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.

Борлиқни англашда тилни ижтимоий феномен сифатида намоёниш қилинса, бу тил маданиятини жамият ривожига ва ҳолатига боғлиқлигини ёки жамият ривожини тилга боғлиқлигини белгиловчи етарли асос бўла олмайди. Бунга асос, борлиқ ва тилни билиш маконида объектив-субъектив – виртуаллик диалектикаси эканлигидир. Ижтимоий-фалсафий императивдан келиб чиқиб тилга фақат белгиси тизим хусусиятини “тенглаштириб” бўлмайди. Фалсафий фикр, рефлексив тажриба ва рационал жараёнларни таҳлил қилиш жараёнида тилнинг гносеологик тавсифларини чиқариш, бизга далиллаш мутаносиблигини кўришга имкон берди. Натижада, тилни инсоният оламининг презентанти ва репрезентанти сифатида қоидалаштириш ўз исботини топади. Юқоридаги фикрларни жамлаб, тилнинг ахборот-коммуникатив тизим сифатидаги парадигмал тавсифларини ажратиш мумкин. Чунки, улар ўзаро тўлдирувчи хусусиятларга эга.

Инсоният моддий олам тараққиётининг кўринишларидан бири бўлгани ҳолда ўзи ҳам моддий олам тараққиётини тезлаштирувчи омилдир. У оламга онглилик омилини киритади ва бевосита моддий оламини янги сифат даражасига кўтарувчи онг ва онг асосидаги фаолияти ҳосил пайдо бўлади. Онг ва онглилик, маълумки, тилсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас.

Демак, оддийгина мулоқот ва фикр алмашиш воситаси тилнинг энг ибтидоий вазифасидир. Тил моддий олам тараққиётини янги сифат даражасига кўтаради, яъни тил сабабли моддий олам номоддий оламини, сўзлар, тушунчалар, категориялар оламини юзага келтиради. Маълум даражага боргандан сўнг тил олами, сўзлар, тушунчалар олами моддий оламдан узилиб мустақил ҳаёт кечири

бошлайди. Янги пайдо бўлган сўзлар ва тушунчалар олами ўз навбатида қисмлар, йўналишларга, соҳаларга ажрала бошлайди. Ҳар бир тил соҳаси ўз навбатида амалиёт талабларига жавоб бериб, йўналиш тилларининг ажралиб чиқишига олиб келади. Булар физика тили, химия тили, молекуляр биология тили кабилардир. Тилнинг, тил орқали инсоннинг яратувчанлик имкониятларини янги даражага кўтаради.

Инсоният коммуникацияси воситаси ҳисобланган тил муаммоларининг жамият маданий тараққиёти билан уйғун ҳолатда илмий ва амалий аҳамият касб этиши аксарият олимлар томонидан қайд этилган. Ижтимоий-маданий тараққиёт ва институтлари учун эса тилнинг бундай динамик хусусияти жуда муҳимдир. Тилнинг ижтимоий-фалсафий парадигмаси фалсафа, лингвистика, риторика, яъни фанлар комплексининг мослашуви билан белгиланади. Чунки, улар илмий тадқиқот дастурининг асосий параметрларини аниқлашга ёрдам беради. Бу комплексда тил феномени доминант фикр вазифасини бажаради. Тил ижтимоий ва инсоний борлиқнинг ажралмас қисми, яъни атрибути бўлиб, инсон ҳаётининг ишлаб чиқариш жараёнлари учун билиш, таълим, тарбия, мулоқот, суҳбат жабҳаларида муҳим аҳамиятга эга.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Фалсафа. Қомусий луғат. –Т.: “Шарқ”нашриёт-матбаа акциядовлик компанияси Бош таҳририяти, 2004. 986 б.
3. Рассел Б. Человеческое познание: его сфера и границы: Статьи / [Пер. с англ. Н. В. Воробьева]. — М.: ТЕРРА — Кн. клуб: Республика, 2000. — С. 86.
4. Дешериев Ю.Д. Социальная лингвистика.-М., 1980. — С.37.
5. Дешериев Ю. Д. Социальная лингвистика. К основам общей теории / Ю. Д. Дешериев. - М.: Наука, 1977. - 381 с.